

**“IFRS” НОМЛИ  
КОНФЕРЕНЦИЯ**

CONFERENCE “GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:  
GLOBAL AND  
NATIONAL  
ECONOMIC  
TRENDS



TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS

FERENCE  
RS”

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:  
GLOBAL AND  
NATIONAL  
ECONOMIC  
TRENDS

19-20 ОКТОВЕР ФОРУМ  
PARALLEL CONFERENCE  
“NEW2AN, ICFNDS  
AND ICDSIS”

“ГЛОБАЛ  
ИКТИСОДИЙЁТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР  
“Глобал ва миллий  
иктиносидиётни

“NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS”  
CONFERENCE  
“IFRS”

GLOBAL  
ECONOMIC  
STRATEGY:

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT “IFRS”

# РАЗМЕРЛІ ИКТИСОДИЙСТЫК VA АХВОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON

## ФОРУМ

19-20 ОКТОВЕР

PARALLEL CONFERENCES  
“NEW2AN, ICFNDS  
AND ICDSIS”

РАЗМЕРЛІ ИКТИСОДИЙСТЫК  
АХВОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА ТАЛЬИМНИНГ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎН  
“NEW2AN, ICFNDS,  
НОМЛИ ПАРАЛЛЕЛЬ  
КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
**ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

Электрон илмий журнал | Electronic scientific journal

**МУАССИС | FOUNDER**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Tashkent State University of Economics

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD**

Шарипов Конгратбой Аvezimbetovich — т.ф.д., профессор  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich — doctor of technical sciences, professor

**БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF**

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент  
Abdullahayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR**

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент  
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

**МАСЪУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY**

Л.А. Аблазов | L.A. Ablazov

**ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:**

Н.Я. Нурсайдов, А.Ш. Махмудов | N.Ya. Nursaidov, A.Sh. Makhmudov

**ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD**

- |  |                                      |
|--|--------------------------------------|
| С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.       | PhD. Беҳзод Саидов (АҚШ).            |
| Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.      | PhD. Умид Ахмедов (Дания Қироллиги). |
| М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.         | А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.   |
| О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.    | И.Е. Жуковская – и.ф.д., профессор.  |
| К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.   | Т.С. Қўчқоров – и.ф.д., профессор.   |
| И.М. Алимарданов – и.ф.д., доцент.     | Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.     |
| Р. Салиходжаев – и.ф.б.ф.д. (PhD).     | Ш.И. Хашимходжаев – и.ф.н., доцент.  |
| Проф. Холназар Амонов (Чехия).         | А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.        |
| Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).    | И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.    |
| Проф. О. Абдураззаков (Германия).      | Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д., доцент.  |
| Проф. Эко Шри Маргянти (Индонезия).    | Ш.С. Эгамбердиев – и.ф.б.ф.д. (PhD). |
| Проф. Д.М. Назаров (Россия).           | Р.Х. Алимов – и.ф.д., профессор.     |
| Проф. Н.М. Сурнина (Россия).           | А.У. Қобилов – и.ф.н., доцент.       |
| Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).            | Р.Х. Насимов – т.ф.б.ф.д. (PhD).     |
| PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).         | С.С. Қулматова – и.ф.б.ф.д. (PhD).   |
| PhD. Аҳмед Моҳамед Азиз Исмоил (Миср). |                                      |

МУНДАРИЖА:

<b>Шарипов К.А., Ишназаров А.И.</b>	<b>ИКТИСОДИЙ ЎСИШГА ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМЛАРИ ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ . . . . .</b>	<b>6</b>
<b>Eshov M.P., Nasirkhodjaeva D.S.</b>	<b>IMPACT OF THE DEVELOPMENT DIGITAL ECONOMY ON THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY . . . . .</b>	<b>14</b>
<b>Abdurahmanova G.Q., Mirzaliyev S.M.</b>	<b>OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING TASHKILY-IQTISODIY MEXANIZMLARI . . . . .</b>	<b>25</b>
<b>Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т.</b>	<b>ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ . . . . .</b>	<b>28</b>
<b>Abdullahayev M.K., Qulmatova S.S.</b>	<b>LOYIHALASH JARAYONLARIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSİYA TEXNOLOGİYALARIDAN FOYDALANISHDA DİZAYN MUAMMOLARI . . . . .</b>	<b>34</b>
<b>Абидов А.А.</b>	<b>ДИАГНОСТИРОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В УСЛОВИЯХ ВОЗМУЩАЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ СРЕДЫ . . . . .</b>	<b>40</b>
<b>Юлдашев А.А.</b>	<b>ЛОГИСТИКА СОҲАСИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ . . . . .</b>	<b>47</b>
<b>Yakubova Sh.Sh.</b>	<b>DIGITAL DEVELOPMENT AND THE NATURE OF DIGITAL ASSETS</b>	<b>56</b>
<b>Ergashxodjayeva Sh.Dj.</b>	<b>RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XARIDORLAR MA’LUMOTLARI MAXFIYLIGINI TA’MINLASH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR . . . . .</b>	<b>64</b>
<b>Xashimxodjayev Sh.I., Zhukovskaya I.E.</b>	<b>DIGITAL TECHNOLOGIES ARE A STRONG BASIS FOR THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY . . . . .</b>	<b>72</b>
<b>Амридинова Д.Т., Курбанова С.А.</b>	<b>ЦИФРОВАЯ ЭКАНОМИКА И ОНЛАЙН ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ . . . . .</b>	<b>79</b>
<b>Fayziyeva Kh., Tursunov Kh., Khidirova M., Kulmanov T., Zikriyoev A.</b>	<b>GROWING UP IN A CONNECTED WORLD: INTERNET USAGE DYNAMIC IS DIGITAL AGE OR HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT? . . . . .</b>	<b>88</b>
<b>Fayziyeva M.X.</b>	<b>TIJORAT BANKLARI TAKLIF ETGAN RAQAMLI TEXNOLOGİYALARDAN FOYDALANISHNI BAHOLASH . . . . .</b>	<b>104</b>
<b>Qobilov A.O., Abdulaxatov M.M., Rajabov Sh.B., Zokirov S.Z.</b>	<b>ASSOTSIATIV QOIDALAR VA BOZOR SAVATLARINING TAHLILI . . . . .</b>	<b>115</b>
<b>Ризакулов Ш.Ш.</b>	<b>БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИИ В ЭКОНОМИКЕ: НА ПРИМЕРЕ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВО . . . . .</b>	<b>121</b>
<b>Назарова Р.Р., Нигматуллаева Г.Н.</b>	<b>СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА . . . . .</b>	<b>126</b>
<b>Meyliev O.R., Gofurova K.X.</b>	<b>THE ROLE OF ELECTRONIC COMMERCE IN THE DIGITAL ECONOMY . . . . .</b>	<b>132</b>

<b>Ma'murov B.X.</b>	RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA HUDUDLAR IQTISODIYOTI TARKIBIY TUZILMASINI TAKOMILLASHTIRISHNING MOHIYATI VA UNING OMILLARI .....	142
<b>Гаппов Ж.Б.</b>	ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМ НА ПРИБЫЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ .....	150
<b>Maxmudov S.B.</b>	MILLIY IQTISODIYOTDA EKSPORT AMALIYOTIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLARNI EKONOMETRIK TAHLILINI BAHOLASH ...	160
<b>Nursaidov N.Y., Vafoev B.R.</b>	PROBLEM OF LIMITED ACCESS TO THE INTERNET IN MOBILE LEARNING .....	172
<b>Хидирова Б.И.</b>	РАҶАМЛИ ИҚТISODIЁТНИ ШАКЛАНТИРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР .....	179
<b>Xalilova N.K.</b>	O'ZBEKİSTON SHAROITIDA XARİDORLARNI BOSHQARISH JARAYONLARINI RAQAMLASHTIRISH ISTIQBOLLARI .....	187
<b>Рахматова Ш.О.</b>	РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИНГ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196
<b>Axmedova S.I.</b>	RAQAMLI IQTISODIYOTDA SANOAT KORXONALARINING ISHLAB CHIQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH BO'YICHA XORIJY MAMLAKATLAR TAJRIBASI .....	203
<b>Мирзарахимова А.Б.</b>	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҶАМЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ ЁЗУВЛАРНИНГ РОЛИ .....	209
<b>Abdurakhmonov A.A.</b>	O'ZBEKİSTONDA RAQAMLASHTIRISH TENDENSIYALARI VA UNDAGI MAVJUD MUAMMOLAR .....	215
<b>Abduraxmanova Z.T.</b>	O'ZBEKİSTONDA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQARISHNI RIVOJLANТИRISHDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYALARNING O'RNI .....	223
<b>Mustafakulov O'.U.</b>	STATISTIKA TIZIMIDAGI RAQAMLI PLATFORMALARINI BAHOLASH VA ULARNI TANLASH .....	232
<b>Tal'atova D.B.</b>	RAQAMLI TENGSIZLIKNI BARQARORLASHTIRISHNING IQTISODIY O'SISHDAGI O'RNI .....	238
<b>Nabiyeva F.O.</b>	RAQAMLI BANKING: QIYINCHILIKLAR, RIVOJLANAYOTGAN TEXNOLOGIYA TENDENSIYALARI VA KELAJAKDAGI TADQIQOTLAR .....	244
<b>Yax'yayev O.Y.</b>	"JUST IN TIME" XALQARO MENEJMENT MODELI, O'RGANILISHI, AMALIYOTI, RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI .....	254
<b>Yuldashev I.S., Ro'ziev N.I.</b>	RAHBARNING BOSHQARUV KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH MEXANIZMLARINI O'RGANISHNING KONSEPTUAL ASOSLARI .....	260
<b>Тўраева Н.О.</b>	КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ .....	265
<b>Muzaffarova D.M.</b>	TASHKILOTNING FUNKSIONAL OPERATSIYALARINI RAQAMLI TRANSFORMATSIYA QILISH YO'LLARI .....	275

Rustamova M.M.	KOTLIN TILIDA YARATILGAN XIZMAT SIFATINI BAHOLOVCHI “SAFE MOBILE” ILOVASI .....	285
Zikirullaeva N.	THE ROLE OF GOVERNMENT POLICIES IN ATTRACTING DIRECT FOREIGN INVESTMENTS .....	294
Anvarova M.M.	RAQAMLI TRANSFORMATSIYA JARAYONINING KICHIK VA O’RTA BIZNES KORXONALARIGA ASOSIY TA’SIRI .....	305
Parpieva R.A., Norboyeva N.E., Anvarova M.M.	IMPROVING MEDIA LITERACY USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN PROFESSIONAL EDUCATION .....	311

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
**ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

**ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ЖУРНАЛ**

Мазкур электрон илмий журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги “Оммавий ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурӣ регламентларини тасдиқлаш тӯғрисида”ги 1017-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2021 йил март ойида таъсис этилган ҳамда ҳалқаро интернет тармоғига жойлаштирилган.

This electronic scientific journal was established by the Tashkent State University of Economics in March 2021, based on the tasks defined in the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 19, 2019 No. 1017 «On approval of some administrative regulations for the provision of public services in the field of public information and communications» posted on the internet.

Нашр қилинаётган “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” электрон, илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 31 январдаги 332/6-сон қарори билан Иқтисодиёт фанлари бўйича “Фан доктори” илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари, илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган Республика илмий журналлари рўйхатига киритилган.

The electronic scientific journal “Digital economy and information technologies” published by the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 31, 2023 No. 332/6 announces scientific articles on the scientific results of dissertations of candidates for the degree of Doctor of Science in «Economic Sciences» included in the list of republican scientific journals that should be published.

**Журналнинг интернет ахборот тармоғидаги манзили:**

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

**The address of the journal on the internet:**

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

## РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИНГ ҚҮШИЛГАН ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рахматова Шахло Олимовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч доктранти

**Аннотация:** Мазкур мақолада бизнеснинг рақамли трансформацияси шароитида қўшилган қиймат занжиринин баҳолашнинг аҳамияти ва моҳияти тадқиқ этилган. P2P бизнес модели ва Амазон компаниясининг бизнес моделларида рақамли технологияларни қўллашнинг йўналишлари ёритилган, соҳага тегишли хориж тажрибасини етарлича ўрганиб чиқсан ҳолда, олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши мумкин бўлган жиҳатлари кўриб чиқилган.

**Аннотация:** В данной статье исследованы сущность и значения оценки цепочки дополнительной стоимости в условиях цифровой трансформации бизнеса. Освещены направлении использования цифровых технологий в бизнес-модели P2P и бизнес-модели компании Амазон, изучены зарубежный опыт по данной сфере и осмотрены вопросы внедрении их результатов в практике.

### Кириш:

Жаҳон хўжалигининг замонавий тенденциялари жадал тарзда ривожланиб бориши шароитида иқтисодиёт соҳаларининг барча жабҳаларида умумий ишлаб чиқариш жараёнларида яратиладиган қўшилган қиймат занжирини самарали бошқаришни такомиллаштириш масалалари энг муҳим долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида эса қўшилган қиймат занжирода рақамли бизнес моделларини қўллаш амалиёти, бугунги кунда, нисбатан янги, ривожланмаган ва тармоқдаги умумий бозор тўйинмаган ҳолатда эканлигини тан олишимиз керак. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг истиқболли ривожланиш жараёнлари охир-оқибатда қўшилган қиймат яратилишини баҳолаш жараёнларини рақамлаштириш ва рақамли бизнес моделларини қуриш орқали рақамли иқтисодиётни ташкиллаштиришни тақозо қиласди. Бу эса мавжуд иқтисодиёт соҳаларида янги рақамли тармоқларнинг ташкил топишини келтириб чиқаради. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш” мақсади қўйилган бўлиб, унинг доирасида иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 60 фоизгача ошириш вазифаси белгиланган” [1].

Рақамлаштириш, нафақат, иқтисодиёт тармоқларида тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди, балки билимлар иқтисодиётининг ҳам ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшади. Шунингдек, бу орқали умумий инфраструктура ва инфраструктура бозорининг ривожланиши, кейинги босқичга ўтиш жараёнлари вужудга келади.

Мазкур тадқиқотнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони ва 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришчора-тадбирларитўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4022-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 18 майдаги “Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4321-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга маълум даражада ёрдам беради.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:**

**Рақамли трансформация – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш моделлари, шунингдек, давлат бошқаруви механизмларининг рақамли технологиялар таъсирида ўзгаришидир.** Бугунги кунгача рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва бизнесда қўшилган қиймат занжирини баҳолашни такомиллаштириш бўйича кўплаб маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий қарашлар билдирилган.

Маҳаллий олимлардан академик С.С. Ғуломов “Ахборот тизимлари ва технологиялари” асарида иқтисодиётни бошқаришда ахборот технологияларининг аҳамияти, иқтисодий ахборот тизимлари ва технологияларини ишлаб чиқиш асослари, ахборот ва технологик таъминоти, иқтисодиётда автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари каби масалаларни тадқиқ этган [2].

Р.Ҳ. Аюпов ва Г.Р. Болтабоеваларнинг фикрича, инновацион рақамли бизнеснинг энг асосий элементлари истеъмолчилар учун қандайдир янги маҳсулот ёки хизмат турини яратиш, унинг аҳамиятини кўрсатиш, фойдаланишда қулайликнинг олий даражасига эришиш, мижозга йўналтирилган ёндошув ва индивидуал талабларни максимал даражада қондиришdir [3].

**Айрим хорижлик олимларнинг фикрига кўра, мижозларга асосий эътиборни кучайтириш ва қийматни дифференциациялаш, харажатлар самарадорлиги, атроф-муҳит барқарорлиги, ишчилар хавфсизлиги, ишлаб чиқаришнинг үмумий самарадорлиги, бозор концентрацияси ва глобаллашув, қарор қабул қилиш жараёнини енгиллаштириш кабилар саноат тармоқларида рақамли трансформациянинг драйверлари бўлиб хизмат қиласи [4].**

С.Матт ва бошқалар “Ҳар қандай ташкилотнинг рақамли трансформациялашви стратегияси технологиялардан фойдаланиш, қиймат яратиш жараёнидаги ўзгаришлар, тузилмавий ўзгаришлар ва молиявий жиҳатларни қамраб олиши зарурлигини таъкидлашади” – деб айтади [5].

Рақамли трансформация бу – бизнесни сезиларли даражада такомиллаштириш (мижозлар тажрибасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, операцияларни соддалаштириш ёки янги бизнес моделларини яратиш каби) учун янги рақамли технологиялардан (ижтимоий медиа, мобил, таҳлилий ёки ўрнатилган қурилмалар) фойдаланишдир [6].

Рақамли трансформация бу – рақамли технологияларни бизнеснинг барча тармоқлариға интеграциялашуви бўлиб, иш услуги ва мижозларга қиймат етказиб беришни тубдан ўзгартиради [7].

Рақамли трансформация – компьютер технологияларининг ортиб бораётган таъсири ва имкониятлариға жавобан бизнес фаолиятини амалга ошириш, корхона натижадорлиги, ҳодисалар, амалиётлар ва моделлар самарадорлигини оширишнинг тезкор технологик инновациясиdir [8].

Олимлар томонидан бизнес жараёнларида қиймат занжирининг яратилиши бўйича ҳам чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Қиймат занжири таҳлили нисбатан қисқа тарихга эга ва ҳали ҳам тадқиқотга яхши ўрнатилган ёндашувларга эга эмас. Ҳам назарий, ҳам эмпирик тадқиқотлар асосан ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан бошлиб ривожланишини ўрганиш институти (буюк Британия) ходимлар томонидан олиб борилган. Бу соҳадаги биринчи фундаментал тадқиқот Гарвард бизнес мактаби профессори Майкл Портер томонидан олиб борилган ва уларни “рақобат” (Porter) китобида баён қилинган [9]. Муаллиф ўз китобида компаниянинг рақобат муҳитида муваффақиятли ишлаши ва ривожланишига имкон берадиган рақобатбардош устунлик манбаларини аниқлаш учун унинг ички тузилиши, механизмлари ва муносабатларини кўриш имконини берувчи замонавий концепцияни ишлаб чиқиш вазифасини қўйди.

М.В. Меер [10] бизнес самарадорлигини баҳолаш учун жараёнга йўналтирилган рентабеллик таҳлили асосида (ABPA – Activity Based Performance Analyses) “қиймат занжирлари” тушунчасидан фойдаланади. М.В. Меер ёндашувининг мұхим ҳиссаси бу “самарадорлик занжири” тушунчасини тушунтириш бўлиб, самарадорлик занжири M. Porter ғоясининг давоми, аммо харажатларни ҳам ўз ичига олади. Самарадорлик занжири бизнес жараёнларидан бошланади ва харажатлар, истеъмолчи учун қўшимча қиймат, даромад манфий харажатлар ва компанияни молиявий бозорларда баҳолаш билан тугайди.

Қиймат бу – харидор олган товарни истеъмол қилиш (ишлатиш) натижасида олган умумий тежаш ёки қониқиши, яъни бу товар унга келтирадиган фойда [11]. Ушбу тадқиқот доирасида “қўшилган қиймат занжири” тушунчаси қўлланилади. Умуман, қиймат қўйидагича тушунилади:

- ◆ товарларнинг нархи, қоида таріқасида, пул шаклида ифодаланган;
- ◆ товарда мужассамланган меҳнат (қийматнинг меҳнат назарияси доирасида);
- ◆ пулда ифодаланган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, шунингдек бозор иштирокчилари ўртасидаги бозор муносабатларининг мазмуни;
- ◆ товарларни сотиб олиш, ишлар ва хизматларни бажариш, имтиёзлар олиш учун пул қиймати [12].

## **Тадқиқот методологияси:**

Рақамлаштириш, нафақат, иқтисодиёт тармоқларида тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди, балки билимлар иқтисодиётининг ҳам ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшади. Шунингдек, бу орқали умумий инфраструктура ва инфраструктура бозорининг ривожланиши, кейинги босқичга ўтиш жараёнлари вужудга келади.

Рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, албатта, унинг турли хил таркибий қисмлари, тармоқлар ва соҳаларни рақамлаштириш ёки рақамли технологиялар орқали қайта ташкил қилиш орқали амалга оширилади. Шу маннода мамлакат миқёсида рақамли бизнес, рақамли ҳуқуқ, рақамли жамият, рақамли бозор, рақамли инфраструктура, рақамли электрон пул каби тармоқ ва соҳаларга оид билимларни ошириш, самарадорликка қаратилган илмий изланишлар олиб бориш, соҳани ривожлантириш чора тадбирларини ишлаб чиқиб, узлуксиз ва тизимли фаолиятни йўлга қўйиш лозим бўлади. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли P2P (peer-to-peer) бизнес моделларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётларнинг тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳани ривожлантириш P2P бизнес моделларига етарлича бозор эҳтиёжи мавжуд ва буни амалиётга жорий этиш кўплаб бизнес тузилмаларининг умумий фаолиятини ташкил этишда юқори самарадорликка эришишга олиб келади.

## **Таҳлил ва натижалар:**

2020 йил якуни бўйича, ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 341 467,5 млрд. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида – 194 363,5 млрд. сўм миқдорида ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 44 372,2 млрд. сўмни ташкил этди. Жорий даврда ўртacha алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 57 698,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2019 йилда – 57 711,9 млн. АҚШ долл.).

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажми жорий 734 587,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йил билан таққослаганда 7,4 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2020 йилдаги нархларига нисбатан 113,6 % ни ташкил этди. 2021- йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган нархларда ЯИМ ҳажми жорий 21 039,3 минг сўмни 2020 йил билан таққослаганда 5,3 % га ўсди. 2021 йилда саноат ишлаб чиқариши 8,7 % га, асосий капиталга киритилган инвестициялар 5,2 % га, қурилиш ишлари 6,8 % га, чакана товар айланмаси 12,0 % га ўсди. Ташқи савдо айланмаси 16,0 % га ошди, жумладан, экспорт ҳажми 10,0% га, импорт ҳажми эса 20,4 % га ўсди.

**Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 2020 йилда ЯИМ умумий ҳажмининг 92,4 % ини ташкил этди ва 1,7 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 1,5 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 7,6 % ни ташкил этди ва 1,4 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири - 0,1 ф.п.).**

2021 йилда ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 418 927,4 млрд. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида – 262 496,3 млрд. сўм миқдорида ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 53 164,0 млрд. сўмни ташкил этди [13].

Иқтисодиётнинг тарихий ривожланиш хронологияси нуқтаи назардан, XX аср охириларига келиб соҳаларда кузатилган “технологик бүмлар” рақобат муҳитини ўзгартириди, уларнинг бизнес тузилмалари, жараёнлар ва инновацион қобилиятга таъсири етарли даражада тушунтириб берилмади. Шунингдек, “технологик бүмлар” баъзи ҳолларда айни тармоқдаги компанияларда хилма-хил самара берган бўлса, баъзан турли хил тармоқлардаги компанияларда тасодифий тарзда бир хил натижани берган. Бунинг бош сабабларидан бири шундаки, бу “тасодифий жараён” умумий тарзда “бизнес модел” терминининг кенг миқёсда тарқалмаганлигиdir [14].

Бир қанча илмий манбааларни ўрганиш жараёнида шуни таъкидлаш мумкинки, рақамли бизнес моделларини яратишга бўлган эҳтиёж XIX асрнинг 90-йилларига келиб пайдо бўлган. Бу ҳолатда бизнес моделларни қуриш шакллари анча содда кўринишга эга бўлиб, унда сотувчи ва харидорнинг ўртасидаги товар ва хизмат муносабатларининг бажарилишига кўпроқ эътибор берилганини кўришимиз мумкин.

Кейинчалик ахборот технологиялари ривожланиши ва мураккаблаши оқибатида бизнес моделларини кўринишлари ҳам мос равишда такомиллашиб борди. XXI-аср бошларида рақамлаштиришнинг оммавийлашиши, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятининг янги-янги кўринишларини вужудга келтирди [15]. Дастрлабки, бизнес моделларнинг таркиби З та компонентдан иборат бўлган: контент, тажриба ва платформа [16]. Яъни бу таркибий қисмлар биргалиқда бир-бирини тўлдирувчи сифатида истеъмол қийматини ҳосил қилган. Мазкур моделнинг ишлаш механизмини Амазон тажрибасида кўрадиган бўлсак, контент қисмида “нима истеъмол қилинмоқда?” деган саволга жавоб қидирилган.

Бунда платформа орқали маҳсулот ҳақида барча маълумотлар (нарх, товар характеристикиси, ишлатилиши ва ҳоказо) тақдим қилинган. “Тажриба” қисмида маҳсулот ҳақида барча маълумотлар йиғилиб истеъмолчиларнинг товарларга нисбатан хатти-ҳаракатлари, кўрсатилаётган рақамли бизнес хизмати ҳақида истеъмолчининг фикри, танқид ва тавсиялар ўрганилган. Хусусан, Амазон компанияси мазкур тажриба қисмини “Қай тарзда упаковка қилинди” деб номлаб истеъмолчилар фикрини экспертиза қилиш орқали хизматни яхшилашга ҳаракат қилган. Рақамли бизнес моделининг “Платформа” қисми “Қай тарзда етказиб берилди?” деб номланиб ички ва ташқи таркибий қисмларни ташкил этган. Платформанинг ички бўлинмаси, асосан, истеъмолчи ҳақидаги статистик маълумотлар ва истеъмолчига боғлиқ бўлмаган компаниянинг барча маълумотларини (молия, ишлаб чиқариш, инсон ресурлари) ўз ичига олган. Ташқи платформа эса истеъмолчилар фойдаланиши учун (товарни ўганиш, излаш, сотиб олиш) смартфон, таблет ва компьютерларга мослаштирилган. Шунингдек, ҳамкорлар платформа етказиб берувчилар маълумотларини ҳам тақдим этган.

Бундан кўринадики, Амазон компанияси мисолидаги дастрлабки рақамли бизнес модел истеъмолчиларнинг қизиқишилари, истеъмол савиясининг даражасига қараб доимий ривожланиб такомиллашиб борган. Рақамли бизнес моделлари орқали иқтисодий кўлам самарасига эришиш учун тадбиркорлик билан параллел равишда рақамли платформаларни ривожлантириш ва қайта фойдаланишга тақдим этиш талаб қилинади [16]. Бу эса, айниқса, истеъмолчи учун қўшимча қулайликларни яратишни тақозо этади ҳамда фирма фаолиятининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласди.

Бугунги кунда бизнес тузилмаларнинг рақамли бизнес моделларидан фойдаланиши кўп томонлама оптималлашувни келтириб чиқармоқда. Хусусан, ишчиларнинг малака ва кўникма нуқтаи-назардан қўйи ва ўрта қатлам тоифаларининг аксарият кўринишлари роботлаштирилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда самарадорликка эришилмоқда. Бошқа томондан бу қатлам тоифалари ўз малака ва кўникмаларини ривожлантириб ишчи кучи бозорида рақобатбардош бўлишга интилишмоқда. Бу эса узоқ муддатли давр учун умумий халқ фаровонлиги ошишини келтириб чиқаради.

### **Хулоса ва таклифлар:**

Умуман олганда, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-татбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳукумат тизимини тақомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Бу эса Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ва рақамли трансформация жараёнларига қаратилган иқтисодий сиёsatнинг амалий татбиқи ҳақида маълумот беради. Юртимизда иқтисодий ривожланишнинг рақамли иқтисодиётга асосланган инновацион йўли барча соҳаларни секин-аста қамраб олиб яқин келажакда ўзининг самарали натижаларини бериши эҳтимоли жуда катта.

Рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли бизнес моделлари бизнес ва тадбиркорликнинг “янги архитектураси” деб эътироф этилмоқда. Соҳа ва тармоқларда соғлом рақобат мұхитини яратишида давлат бундан унумли фойдаланишини кўзда тутмоқда. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш рақамли технологияларга тўлиқ боғлиқ бўлган ҳолда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва йетказиб беришни қамраб олади.

Бизнес моделларнинг рақамли бизнес моделларига трансформацияси, ўз навбатида, бизнес инфраструктурасини ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичи нуқтаи назардан яхшиланишини келтириб чиқаради. Биз юқорида Амазон мисолида ҳам фикримиз тасдиғини топдик.

Юқоридаги таклиф ва натижалардан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон шароити учун қўйидаги таклиф ва тавсияларни келтириш мумкин.

Реал секторда бизнес моделларнинг қўлланиши ва улар орқали самарадорликка эришиш бўйича инновацион ғояларга асосланган стартап бизнес лойиҳаларини ташкил этиш ва кенг оммани мазкур лойиларга жалб этиш орқали рақамли бизнес моделларига оид саводхонликни ошириш. Бунинг амалий натижаси ўлароқ бизнес соҳалари ва тармоқлар ўзининг кейинг фаолият босқичига ўтишлиги тезлашиши мумкин бўлади.

Рақамли трансформация жараёнларида “рақамли тадбиркорлик”ка оид Р2Р бизнес моделларини ишлаб чиқиши юзасидан грант лойиҳаларини тадбиркорлар эътиборига тақдим қилиш, тадбиркорлар ўртасида кўрик-танловлар ташкил-

лаштирилиб рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг натижасида тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат мұхитини яхшиланишига эришиш мүмкін бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.
2. Ғуломов С.С. Ахборот тизимлари ва технологиялари. - Т.: Шарқ. 2000. - 93 б.
3. Аюпов Р.Х., Болтабоева Г.Р. Рақамли иқтисодиёт асослари. Дарслик. Т.: ТМИ, 2020. - 575 б.
4. Lammers, T., Tomidei, L., & Regattieri, A. (2018). What Causes Companies to Transform Digitally? An Overview of Drivers for Australian Key Industries. 2018 Portland International Conference on Management of Engineering and Technology (PICMET).
5. Matt, C., Hess, T., & Benlian, A. (2015). Digital Transformation Strategies. Business & Information Systems Engineering, 57(5), 339–343.
6. Liere-Netheler, K., Vogelsang, K., Packmohr, S., & Hoppe, U. (2018). Towards a frameworkfor digital transformation success in manufacturing. In: Proceedings of the 26thEuropean Conference on Information Systems, Portsmouth, UK
7. Gebayew, C., Hardini, I. R., Panjaitan, G. H. A., Kurniawan, N. B., & Suhardi. (2018). A Systematic Literature Review on Digital Transformation. 2018 International Conference on Information Technology Systems and Innovation (ICITSI). doi:10.1109/icitsi.2018.8695912
8. Westerman, G. (2015). Revamping your business through digital transformation. MIT Sloan Management Review, 56(3), 2-5, ISSN 15329194
9. Портер, М.Э. Конкуренция / М. Э. Портер. - Пер. с англ. - М.: Издательский дом «Вильямс». - 2006. - 608 с.
10. Мейер, Маршал В. Оценка эффективности бизнеса / Маршал В. Мейер. - Пер. с англ. А.О. Корсунский. - М.: ООО «Вершина». - 2004. - 272с.
11. Тяпухин, А.П. Логистика: учебник для бакалавров /А.П. Тяпухин - М.: Издательство Юрайт. - 2011. - 568 с.
12. Азрилиян, А.Н. Большой экономический словарь / А.Н. Азрилиян. - 4-е изд. доп. и перераб. - М.: Институт новой экономики. - 2009. - 1248 с.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.
14. P. Weill, M.R. Vitale, “Place to Space: Migrating to eBusiness Models” (Boston: Harvard Business Press, 2001) and Rayport and Sviokla, “Managing in the Marketspace.”
15. Hull, C.E., Hung, Y.-T.C., Hair, N., Perotti, V. and DeMartino, R. (2007), “Taking advantage of digital opportunities: a typology of digital entrepreneurship” International Journal of Networking and Virtual Organizations, Vol. 4 No. 3, pp. 290-303.
16. P. Weill and J.W. Ross, “IT Savvy: What Top Executives Must Know to Go from Pain to Gain” (Boston: Harvard Business Press, 2009).



**РАҚАМЛИ ИҚТІСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
**ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

Электрон илмий журнал | Electronic scientific journal

*Muharrirlar:*  
Yaxshiyev H.T.  
Matxo'jayev A.O.

*Musahhih:*  
Matxo'jayev A.O.

*Tehnik muharrir:*  
Mirzayev J.O.

Litsenziya № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.  
Qog'oz bichimi 60x84 1/8. Shartli bosma tabog'i 19,9. Raqamli bosma.  
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

“Zarafshon Foto” MCHJning matbaa bo‘limida chop etildi.  
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug‘bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.

CONFERENCE "GLOBAL  
AND NATIONAL ECONOMIC  
TRENDS"  
19-20 OCTOBER

# 1st DIRECTION: TRENDS AND PROSPECTIVE DIRECTIONS OF GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT.

CONFERENCE "GLOBAL  
AND NATIONAL ECONOMIC

# TRENDS"

CONFERENCE  
DEVELOPMENT STRATEGY:  
NATIONAL ECONOMIC TRENDS

"IFRS"  
НОМЛИ  
КОНФЕРЕНЦИЯ

PARALLEL CONFERENCES  
"NEW2AN, ICFNDS  
AND ICDSIS"



TASHKENT  
STATE  
UNIVERSITY OF  
ECONOMICS

- Conditions for improvement of the business environment
- Corporate Account
- Institutional problems
- Training personnel for business
- Business environment
- Digital technologies in business



+998 71 239-28-94



<http://dgeconomy.tsue.uz/>



dgeconomy\_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz



100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.

# ФОРУМ

- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agricultural Development

- Digitalization
- Green economy
- Environmental protection
- Artificial intelligence
- Digital technologies in business